

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 ноябрь куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг махсус ёрдამчиси Сумио Эдамураи қабул қилди.

— Японияда Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бормоқда, — деди Президент меҳмонни кутиб экан. — Ташрифингиз бунинг яна бир тасдиғидир.

Меҳмон Япония ҳукумати Буюк Ипак йўли бўйидаги мамлакатлар орасида ҳамкорлик учун энг яхши шерик сифатида Ўзбекистонни танлаганини яна бир қарра таъкидлаб, ташрифдан мақсади мамлакатимизга кўрсатиладиган техника-

вий, бегараз ва молиявий ёрдამнинг ўзаро мақбул бўлган устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборат эканлигини айтди. У ўз мамлакатини ҳукуматида Ўзбекистон билан ўрта ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ҳисобот ва тавсияларини тақдим этди.

Маълумки, Япония ўзининг «Тараққиётга расмий ёрдამ» давлат дастури асосида ривожланаётган мамлакатларга ёрдამ

кўрсатади. Ушбу дастурга мувофиқ Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қўллаб-қувватланапти, мамлакатимизга халқаро молиявий ташкилотлар билан муносабатларни янада ривожлантиришда кўмак берилаяпти.

Икки мамлакат ҳукуматларининг бир-бирига юксак ишончи сиёсий соҳада ҳам кўп ақс этади. Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик

Кенгашининг доимий аъзолари қаторига киритилиш масаласида Японияни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Япониялик Кочи-ро Мацууранинг ЮНЕСКО Бош директори лавозимини эгаллашда ҳам мамлакатимизнинг ҳиссаси бор. Ўз навбатида, Япония томони халқаро сиёсий ва молиявий ташкилотларда Ўзбекистонни қўллаб-қувватламоқда.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида икки мамлакатнинг ўзаро ишонч ва тенг манфаатдорликка асосланган муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎЗА)

Ўзбекистон ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

ЎЗБЕКISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 16 NOYABR PAYSHANBA № 134 (26.684)

ФАХР

ЎЗБЕКISTONДА ЯНА ИККИ ЎЛКАН ДАРЁ ОҚА БОШЛАДИ



Илм билан киши гафлатдан озода,
Азобдан қутулар руҳ ҳам одамзода.
Ҳатто гуноҳ қилиб, жон бертган киши,
Охиратда бўлмас ғамдан ташвишчи.

БУРХОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ



Этиқод фақат сўзда деиш,
Иккиюзламачилик, мунофиқликдан
бошқа нарса эмас. Этиқоднинг
моҳияти қалб ризолиги билан
намбарчас бўлиқдир.

ИМОН АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

ИККИНЧИ ЧАКИРИК ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАКИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида чакирисин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 ноябрь

- Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:
- Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига муножаати.
- Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни тўғрисида.
- «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
- «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
- «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
- «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
- «Қонун лойиҳаларининг умуммаълум муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
- «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
- «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
- «Илмий-техника ахбороти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
- «Курилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
- «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
- Бир қатор халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш тўғрисида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

Ватанимиздаги қишлоқлар Ер юзи хари-тасида чивиннинг кўзичалик жой олиши мумкин. Балки, ундан ҳам кичикроқ ҳажмда жойлашар. Лекин шундай эканлигимизни англадик. Қанчалаб улуг зотлар — бо-бокалонларимизни, аҳли замин аллақачон кўзига тўти-қилиб, улар таратган маърифат нуридан қалби-шуурини ёритган эрса-да, озо-дод эвазига биз уларга юз бурдик, уларни топдик, бо-тинимизда, ичимизда сўнгсиз бир куч-қудрат туй-диқ. Кимки ўзбек қолоқ, ўзбек саводсиз, ўзбек боқиманда, деса кўзига тик қарайдиган бўлиқ. Қони-мизда, жонимизда боболар-нинг улугворлигига даъво-гарлик, ворислик туйғула-ри тўлқин отди. Уйғондик. Ҳатто, ҳозирги ёш авлод, фарзандларимизни бутун Ер юзи бўйлаб учирма қилдик. Дунёнинг илм эшикларини очинлар деб фатво бердик. Бу энг муҳими эмасми? Рух озо-дод бўлди. Рухи озо-дод халқ — тирик халқ. Мана сизга Истиқлол инъоми!

Бутун Ўзбекистонда маърифат булоқлари тошиб, маънавий суви билан лиммо-лим **икки улкан дарё** оқа бошлади. Мутафаккир зотлар бешиги бўлган Ватанимизда икки аъллома — фикр илми дарғаси Бурхонуддин Марғинович ҳамда Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг юбилей туйла-

рини ўтказяпмиз. Икки илм соҳибига ёлғорлик мажмуи ўрнатилди.

Марғилон ҳамда Самарқанд бағри яна-да файзга тўлди. Бу икки гўзал шаҳарнинг бағри гўла-ди. Келажак авлодлар асрлар ўтиб ўз боболари шўхратидан фахр-ифтихорга тўлиб, шу жойларни зиёрат қилишганида тараққиёт поғонасидан юксалгандан юксалаётган инсониятнинг камолоти пойдеворини шу боболари тиклаганини ҳис қиладилар. Яна бир гап, бу икки зот руҳ ва қалб, инсон ботинининг гўзаллиги, кўрки ва ҳулқи, одоби, қалр-қиммати бобода ҳаёт қалар мангу тафаккир яратди. Улар инсон кашфиёти Ер юзини порох ёки ядро устига ўрна-тилшига туртки бўлажак янглик эмас, балки инсон қалбининг тарбияси, ин-сон инсон бўлиб улуглани-ши, иймон-этиқод тушу-нчалари билан руҳни тоза-тириш кашфиётига тамал тоши қўйдилар.

Марғиновичнинг 13 йил давомида ёзиб битган 4 жилди китобдан иборат «Хилоя»ни қар хижатдан мукамаллиги билан саккиз асрдирки, мусулмон олами-да ислом қонуншунослиги-нинг тарихий манбаси сифатида беқиёс. Бу китоб Шарқ Уйғонши даврининг бебаҳо ёлғорлиги, авлодлар-га қутлуғ мерос.

Авлиё бобомиз Мотуридийнинг «Китоб ат таҳвид» асари ҳам барча мўмин-му-сулмонлар учун ислом мал-расаларида қўлланма сифа-

ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ХОРИЖ БАҲОСИ

Куни кеча Испаниядан хушбабар келди. Унда ёзилишича, Навоий очик турдаги пахта тозалаш ҳиссдорлик жамияти саноат хомашёлари — олтин, нефть, пахта, галла ишлаб чиқарувчи 159 та мамлакат орасида сифат жиҳатдан гўлиб деб топилди, Мадриддаги халқаро ташкилот «Business Initiative Direction» (BUD)нинг эсдалик совғаси ва олтин медалига сазовор бўлган.

20 ноябрь куни Мадридда ана шу олий мукофоти топшириш маросими бўлди. Унда ўзбек пахтачилиги мутахассислари, жумладан, «Узпахтасаноатсотиш» акциядорлик бирлашмаси ва «Навоийпахтасаноатсотиш» ҳиссдорлик жамияти вакиллари иштирок эттишди.

Маросимда Испания узра яна Ўзбекистон байроғининг хилпираши ва мадҳиясининг янграши аниқ. Яна дейишимизнинг боиси бундан 7 йил муқаддам ҳам худди шундай воқеа юз берганди. Ушунда навоийлик азамат қочқиларга «999,9» русумдаги энг сара олтин учун халқаро таш-килотнинг олтин медали берилган эди.

Ишқилиб, Ўзбекистонни жаҳон таниётганига қўз тегмасин!

ЯПОНИЯЛИК РАССОМГА ЎЗБЕК МУКОФОТИ

Токиода машҳур япон рассоми, олим ва жамоат арбоби У.Хирояма асарларининг кўргазмаси ўтказилди. Ушбу тадбирнинг очилиш маросимида рассомга Буюк Ипак йўли ва Ўзбекистон-га бағишланган қатор асарлари учун Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг фахрий мукофоти — «Олтин медал» топширилди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда У.Хирояма ўз иходининг юксак тақдирланганлиги учун чукчур миннатдорчилик изҳор этди. Шунингдек, рассом ўзи бошқараётган Ипак йўли тадқиқоти инсти-тутининг Ўзбекистондаги илмий институтлар билан Далаваринтепа ва Фаёзтепадаги кўча археологик ёлғорликлар борасидаги ҳамкорлигини давом эттираётганини маълум қилди.

У.Хирояма ўз ҳисобидан Тошкентда «Маданиятлар қарвон саройи»-биносини қуриш ниятида. Бу ерда халқаро анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ва кўргазмалар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

«Мен Ипак йўлидаги энг муҳим стратегия жойлардан бирини эгалла-ган Ўзбекистонни жуда яхши кўраман. Ушбу омилни тан олган ҳолда ва қадимий минтақаларо савдо магистралининг ривожланишида мамла-катининг ролини инобатга олиб, биринчи «Маданиятлар қарвон саройи»-нинг айнан Ўзбекистонда бунёд этилишини хоҳлар эдим», — дея таъкидлайди У.Хирояма.

■ Музаффар ШАРОПОВ
«Жаҳон» АА,
Токио

Пахтачилик, хусусан, йигим-терим жараёнида техниканинг ўрни ва роли пайсаяиб бораётганини мулкчилик шаклининг ўзгариши, иқтисодий муаммолар ҳамда бошқа баъзи сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Вақти келиб қишлоқларимизда фермерлик ҳаракати кенгайгач, бу муаммо-лар барҳам топиб кетса ажаб эмас. Лекин мелиорация бораси-даги тўпланиб бораётган оғир жа-раёнларни нималар билан изоҳ-лаш мумкин? Ахир, бу соҳа билан машғул бўлган идоралар ҳам, тур-ли ташкилотлар ва айтайлик кўп сонли мутахассислар ҳам деярли ўз ўринларидан тўриблар-ку? Энг муҳими, тегишли раҳбар ҳамда мутахассисларнинг таъкидлаша-рича, мелиорация соҳаси маблағ жиҳатидан асло камситилаётгани йўқ. Хар қандай иқтисодий қийин-чиликларга қарамай, бу соҳа та-раққиёти ва фаолияти учун маб-лағлар вақтида, керакли муқдор-да ажратиб келинмоқда. Шундай экан, нега ҳукумат томонидан бўлаётган эътибор ва ғамхўрлик самаралари кўзга ташланмай кел-ляпти?

Вилоят ҳудудидаги 273,7 минг гектар сугориладиган майдон тур-

МЕЛИОРАЦИЯДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

минг гектари кучли ва ўртача шўрланган жойларга айланиб қол-ган.

Мутахассисларнинг таъкидлаша-рича, вилоят мелиорациясининг бош муаммоларидан бири — ҳўжа-ликлар ичидаги зовурларнинг су-рункасида бир неча йиллардан бери тозаланмай келинаётганида-дир. Бунга эса биринчидан, те-гишли ҳудудларда экскаваторлар-нинг етишмаслиги ва ҳўжалиқлар-нинг ана шу ишлар учун маблағ-топа олмаётганидир. Шу ўрин-да икки оғиз экскаваторлар ҳақида. Олинган сўнги маълумот-ларга қараганда, вилоят бўйича

148 та экскаватор мавжуд. Шун-дан бор-йўғи 124 таси ишлатил-моқда, холос. Бу ўринда изоҳнинг ҳожати бўлмагач керак. Шунча техника билан қандай қилиб бутун бир вилоят ҳўжалиқлари мелио-раторларнинг мушкуллини осон қилиш мумкин?

Бобўтликлар четдан ёрдამ ку-тиб ўтирмасдан ўз имкониятлари-ни яхши солган ҳолда зовурларни тозалаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мўътадиллаштириш бо-расида залуқсиз иш олиб бора-дилар. Бобўт тахрибиса вилоят учун беқиёс қимматга эга. Бирок афсуски, бу тажрибани ҳеч бўлма-

ганда қўшни туманларга ҳам ўт-казиш имкони бўлмаптир.

Жами 5044 километр узунлик-да ҳўжалиқлар ҳисобидеги зовур-лар бўлиб, йилга ҳеч бўлмаган-да шундан 1700 километри тоза-ланиб турилиши керак. Амалда эса кўрсаткич 470-480 километр-дан ошмайпти. Шундай бўлгач, экинзорларни нега шўр босма-сини?

Вилоятдаги сугориладиган 109 минг гектар ер тақдирин бир жиҳат-дан ёпиқ-ётиқ зовурлар фаоли-етига боғлиқ. Ана шу майдонлар «бўйрағи» ҳисобланган 9 минг 402 километр ёпиқ-ётиқ зовурлар мавжуд. Салкам юз минг гектарлик ердан ҳеч бўлмаса ўртача ҳосил олиш учун йилга 2600-2700 километр ёпиқ-ётиқ зовур-лар тозаланмоқда, холос. Рост, бу ишни бор деса ҳам, йўқ деса ҳам бўлади. Ахир, ўн ёки йигирма физик ишни иш дейиш, мум-кинми?

Хўш, нега шундай бўлмоқда? Бизга маълумот беришларича, ёпиқ зовурлар «ПДТ» русумли агре-гатлар билан тозаланар экан. Ҳозир вилоят бўйича 26 та ана шундай агрегат ишлатилмоқда.

Сирдарё вилояти ерларининг бугунги мелиоратив ҳолати кўпчиликни ташвишга солмоқда

ларнинг 13 фоизигина ишга яроқ-ли. Ва бу ҳол айтарли тегишли бошлиқларни у қадар ташвишга ҳам солмаётганга ўхшади. Ақс ҳолда бу борада амалий чоралар қўрилган бўлар эди-да.

Сирдарё далаларида қузги-қишки ишлар бошланиб кетди. Агар деҳқонлар ер ҳайдаш, шўр ювиш, ариқ-зовурларни тозалаш ташвишида юрган бўлсалар, мелиораторлар зах сувларни қочи-риш чоралари билан бандлар. Белгиланган дастурга қўра, олти ой давом этадиган қузги-қишки тадбирлар мобайнида бир қатор фойдали ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Булар яхши, ал-батта. Лекин ана шу чиройли даст-турлар режаларининг яна қозоқ-ларда қолиб кетмаслигига ким ка-фолат бора олади? Мелиорация-ни ривожлантирмай туриб ҳосил-дорлигини ошириш мумкинми? Жойлардаги туман ҳокимликлари-нинг мелиорацияга бўлган эъти-борларини эса тафти йўқ оловга ҳаётини мумкин. Яъни, бор бўлиб бор эмас — йўқ бўлиб йўқ эмас. Ахир, бу ҳол қачонгача давом эти-ши мумкин?

■ Абдуқалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан партия ташкилотларида турли тадбирларни ўтказиш давом этмоқда.

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА



қораланди ва бундайларга нисбатан мурасим бўлишга даъват этилди.

Шахрихон туман партия кенгаши томонидан ўтказилган тадбир ҳам юқоридаги мавзуга бағишланди.

Ўзбекистон ХДПнинг 9 йиллиги муносабати билан Хоразм вилояти партия ташкилоти ўзининг барча тузилмаларида тантанали йиғилишлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказди.

ЎзХДП Қорасув, Хонобод шаҳар, Баликчи, Олтинкўл, Марҳамат, Шахрихон, Қўрғонтепа, Бўз туман ташкилотларида ҳам, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 9 йиллигига бағишланган, тадбирлар ўтказилди.

Тўрақўрғон туман партия ташкилоти ўз сафларини илгор ёшлар вакиллари ҳисобига кўпайтиришга, бошланғич партия ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Шунингдек, ўшбу кенгаш ташаббуси билан, пахта тайёрлаш режасини муваффақиятли бажарган «Ибрат» ва И. Навиев номли жамоа ҳўжаликларни пахтакорларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

ЎзХДП Мирзачўл туман кенгаши, туман «Маънавият ва маърифат» маркази билан биргаликда, «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» мавзuida, пахта далаларида меҳнат қилаётганлар орасида, суҳбатлар ўтказмоқда.

қада фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг, халқаро террорчилик ва диний ақидапарастликка қарши биргаликда курашиш бўйича, Ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Шу мавзуга бағишланган йиғилишлар Андижон шаҳридаги 1-вилоят кўп соҳали болалар клиник шифохонаси ва Ҳўжабод тумани «Ҳўжабод» кишлоғи ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши, «Соғлом авлод» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, туман ташкилотлари ва муассасаларида, ёш авлоднинг соғлиги масалаларига қаратилган, қатор тадбир ва суҳбатлар ўтказди.

ХДП Жондор тумани кенгаши ташаббуси билан партия фаолларининг 46-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашуви ўтказилди.

Учрашувда туман партия кенгашининг биринчи котиби Қ. Пўлатов партия фаолияти тўғрисида маълумот берди, партия сафига қабул қилинган ёш ўқитувчиларга партия билетларини ҳамда мактаб кутубхонаси учун бадий китобларни топширди.

ХДП Бёвўт туман кенгаши қошидаги «Мулоқот» клубининг навбатдаги машғулотини «Сени кўз қорачигидек асрайман, Ватан!» мавзугига бағишланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Ўзбекистон ХДПнинг 9 йиллиги муносабати билан партия ташкилотларида турли тадбирларни ўтказиш давом этмоқда.

ЎЗМОҲАВАТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИ

Яқинда Нукус шаҳрида «Амурдарё» соғломлаштириш спорт клуби ишга тушди. Унинг барпо этилишида етакчи хорижий технологиялардан фойдаланилди.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

Ўқитувчиларимиз пешингача мактабда сабоқ берса, тушдан сўнг гузарга чиқиб ўз ўқувчиларига уста, кўрт, ҳатто сигарет сотиб ўтиради. Тирикчиликни баҳона қилиб, ўқувчиларни ўқитишдан қайтаришга асосан аёллар меҳнат қилишпти.

ЎШЛАР ҲУЗУРИДА

Халқ демократик партиясининг фаолияти ёшлар орасида тобора қизқиш уйғотмоқда. Бунга талабалар шаҳарчасининг «Ёшлар» гузарига ўтказилган партиянинг 9 йиллик тантаналарини кўриб, шохид бўлди.

БҮШ КЕЛИШМАДИ

Шахматчиларимиз Истанбулда икки ҳафта давом этган олимпиада бахсларида бўш келмади, имкониятлари даражасида дونا суришга ҳаракат қилишди.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

Яқинда Нукус шаҳрида «Амурдарё» соғломлаштириш спорт клуби ишга тушди. Унинг барпо этилишида етакчи хорижий технологиялардан фойдаланилди.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

Ўқитувчиларимиз пешингача мактабда сабоқ берса, тушдан сўнг гузарга чиқиб ўз ўқувчиларига уста, кўрт, ҳатто сигарет сотиб ўтиради.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

Ўқитувчиларимиз пешингача мактабда сабоқ берса, тушдан сўнг гузарга чиқиб ўз ўқувчиларига уста, кўрт, ҳатто сигарет сотиб ўтиради.

ЛУКМА АГАХИМИ ЁКИ ОГАҲИЙ?!
Ўтган йили республика Вазирилар Маҳкамасининг қарорига биноан ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакиллари билан биргаликда Ризо Эрнеёзбек ўғли Огаҳий ҳазратлари тавалуладининг 190 йиллиги бутун мамлакатда кенг нишонланди.

КОРА ҚИЛМИШ
Ўзбекчиликда қўшнилари жуда қадрланади. Туй-маъракаларда энг аввал қўшнилари қўли қошириб, хизматда турилади.

ЙҮЛ АЗОБИ
ЛУКМА
ГҮР АЗОБИ...МИ?!
Ақл бор: йўл азоби гур азоби. Шундай воқеанинг иштирокчиси бўлган, бунга ана бир бор ишондим.

Суратларда: 1. Мажмуанинг иккинчи қавати қарама, шейпинг, бокс ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишга мўлжалланган.

2. Сузиш ҳаваси ҳар доим спортчилар билан гавжум.

■ Омонбой МУРОТОВ (ЎЗА) олган суратлар

Қадрини, хурматини жойига қўй оляпкисми? Нима учун таълим соҳасида асосан аёллар меҳнат қилишпти? Мақтабларимизда эркак муаллимларини қайтариш бораётгани йўқларини тарбиясининг суъастига сабаб бўлмаптимикин?

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

Ўқитувчиларимиз пешингача мактабда сабоқ берса, тушдан сўнг гузарга чиқиб ўз ўқувчиларига уста, кўрт, ҳатто сигарет сотиб ўтиради.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

Ўқитувчиларимиз пешингача мактабда сабоқ берса, тушдан сўнг гузарга чиқиб ўз ўқувчиларига уста, кўрт, ҳатто сигарет сотиб ўтиради.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

Ўқитувчиларимиз пешингача мактабда сабоқ берса, тушдан сўнг гузарга чиқиб ўз ўқувчиларига уста, кўрт, ҳатто сигарет сотиб ўтиради.

■ Санда САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

